

ТАШРИФ ВА ТАФСИЛОТ



СИРДАРЁНИНГ ЯНГИ ФАСЛИ

ВИЛОЯТ АҲОЛИСИНИ ИШ БИЛАН ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАШ МЕЗОНЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Илгари Сирдарё вилояти деганда нуқул пахта далалари кўз ўнгимизга келарди. Айтарли ишлаб чиқариш объектлари йўқ эди. Энди эса ҳудудда кластер тизими натижасида саноат ҳам гуркираб ривожланмоқда. Пахтадан ип, калава, мато, тайёр кийимлар, чигитдан ёғ, совун, озуқа ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Айтиш мумкин, бу йил етиштирилган мўлжалланган 268 минг тонна пахта хомашёсининг юз фоизи ҳудуднинг ўзидан қайта ишланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев кишлоқ хўжалигидаги ишлар ҳолати, аҳоли ҳаёти билан танишиш мақсадида Сирдарё вилоятига ташрифи давомида Сирдарё туманидаги “Арслон бобо” ва “Омонбой ўғли Тугал” фермер хўжаликлари дала-сини кўздан кечирди.

“Арслон бобо” фермер хўжалиги ғалладан ҳар гектарига 80 центнер хирмон кўтарди. Бўшаган майдонларда картошка, мош, сабзи, пивё ка-

би такрорий экинлар етиштирилмоқда. Пахта терими ҳам қизгин паллага кирган. “Омонбой ўғли Тугал” фермер хўжалиги ғалла ҳосилдорлиги ҳам 80 центнерни ташкил этди. Ҳўзанинг шигил кўсакларига қараб пахтанинг ҳам чўғи баландлигини пайқаш қийин эмас.

Ер майдонлари лазерли ускуна ёрдамида текислангани натижасида сув аввалгига нисбатан 30-40 фоиз тежалатгани, суғориш вақти ҳам

қисқаргани мамнуният билан билдирилди. Насослар қуёш панеллари қувватида ишлайди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида дала четларига тут, ток, қоратол ва бошқа кўчатлар ўтказилган.

– Халқимиз “меҳр кўзда” деганидек, сизлар билан кўришиб, ҳорманлар деб келдим, – деди Шавкат Мирзиёев сирдарёлик фермерлар, нурунийлар билан суҳбатда. – Адолатли ҳакам бўлса, айтиш мумкин, Сирдарёда ҳам ўзгариш бўляпти. Лекин замон шундай шиддат билан ўтятипки, одамларнинг ниятлари илгарилаб кетяпти. Шунга яраша шароит яратиш, халқимиз талабини қондириш учун янги-янги режалар қилишимиз керак. Бугун азия Сирдарё аҳлига раҳмат айтиш билан бирга, эришилаётган натижалар бардавом бўлиши учун, одамларнинг бири икки бўлиши учун зарур йўналишларни белгиллагани келдик.

Давоми 2-саҳифада. ➤➤

ЧЕМПИОНЛАРНИ МАҒЛУБ ЭТГАН МУЗАФФАР



Дзюдо бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатининг олтинчи куни ўзбекистонлик дзюдо иҳлосмандларига бетакрор лаҳзаларни, чиройли беллашувларни тўхфта этганлиги билан ёдда қоладиган бўлди.

Кун давомидаги беллашувларда икки нафар ҳамюртимиз медаллар учун кураш олиб борди.

Қизлар ўртасида 78 килограмм оғирликда совринли ўринларга даъвогарлик қилган Ирисхон Курбонбоева илк жангини польшалик Бита Пасут-Кложко билан ўтказди. Тенг курашлардан иборат асосий вақтда иккала спортчи ҳам натижага эриша олмади. Қўшимча вақтда эса Европа вакилисининг кўли баланд келди.

Давлат Бобоновнинг жаҳон чемпионлигига эришиши бугунги баҳсларда қайсидир маънода Музаффарбек Тўрабоевга руҳий далда бўлди. Бу ўтказилган ҳар бир учрашувда ҳамюртимизнинг руҳий устуңлигидаги ҳаракатида акс этди, гўё. Истеъдодли спортчимиз авваллига АҚШ, кейин Грузия, ярим финал оstonасида Канада, ярим финалда Нидерландия вакиллари билан мағлуб этиб, финалга йўл олди. Албатта, яккакураш спорт турларида, айниқса, дзюдо мусобақаларида олимпия ўйинларидан кўра, жаҳон чемпионати баҳсларида медалларга эга чиқиш жуда мушкул вазифа. Бо-

иси, тўрт йиллик ўйинларда ҳар бир вазнда спортчилар рейтинг ва олимпия тизими ҳолатида ажратилаётган ўринлар асосида қатнашса, жаҳон чемпионатида иштирок этаётган ҳар бир спортчи камида ўз мамлакати чемпиони ёки жаҳон, олимпия ўйинлари совриндори ҳисобланади.

Шу маънода, Музаффарбекнинг олтин медаль оstonасига эришган ҳар бир кураши финал даражасидаги беллашув бўлди, дейиш мумкин.

Ҳамюртимизнинг канадалик Кайл Рейесга қарши баҳси ўта мураккаб кечди. Музаффарбек ҳарбийлар ўртасида, унинг рақиби эса ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони ҳисобланади. Ҳар икки чемпионнинг 35-жаҳон биринчилигида барча етакчи дзюдочиларни мағлуб этган тарзда финалда рўбарў келиши ҳам ўзига хос воқеа бўлди.

Канадалик спортчи Халқаро дзюдо федерацияси рейтингда 31-ўринда, Тўрабоев 27-поғонада бораятганлигига қарамадан, истеъдодли спортчимиз имкониятни бой бериб турган ҳолда ўз шиддати намоийш қилди ва ҳақли равишда канадалик спортчини сўнги сонияларда мағлуб этди.

Халқимизнинг алп фарзанди М.Тўрабоевнинг жаҳон чемпионатида олтин медалга эга чиқиши терма жамоамиз медаллари хазинасини 2 та олтин медал билан бойитди ҳамда Ўзбекистоннинг 82 та давлат орасида 3-ўринга кўтарилиб олишини таъминлади.

Тўлқин РЎЗИЕВ



ҲАР БИР МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗ БЮДЖЕТИ БЎЛАДИ

ТАДБИРКОР НЕГА БЕШ ЙИЛ ДЕГАНДА ЭНДИ ОКЛАНДИ?

4

ИШОНЧЛИ МАНБАНИ ИНКОР ЭТИШ – МАНТИҚСИЗЛИК

5

ҚОРИН ҚАЙҒУСИ ҚОЗОНГАЧА, ҚАДР ҚАЙҒУСИ ҚАБРГАЧА!

Тил миллатнинг борлиги, бирлиги ва бутунлигининг энг асосий шартларидан ҳисобланади. Шу боис маърифатпарвар зиёлилар ҳамisha адабий тилнинг қадр-қиймати учун курашиб келадилар. Бугун эса негадир бизга бу борда кўнунчаклик етишмаётгандек, адиб ва олимларимизнинг овози ҳам замона шовқин-суронида эшитилмай қолаётгандек туюлади.

Йигирма йиллар илгари Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон “Тил – ўзгалимизнинг, ўзлигимизнинг, ўзига беқлигимизнинг бош белгиси” дея бонг урган эди. Уша мақола жузъий қисқартиришлар билан қайта эълон қилинмоқдаки, ижодкор кўтарган масалалар ҳамон долзарблигича қолаётганига ўқиб ўзиниз ҳам амин бўласиз.

6

ТАДБИРКОРЛАР ВА ТОМОРҚАЧИЛАР ФАОЛИЯТИ:

ТАНИШУВ, ТАВСИЯ, ТАКЛИФ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O'zLiDeP фракцияси раҳбари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Ақтам Хаитов Қорақалпоғистондаги тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан яқиндан танишди.

Дастлаб Нукус шаҳрида иш юритиб, ички бозорда ўз брэндига эга бўлган "Муратбек мебель" МЧЖ фаолияти ўрганилди. Ун уч йилдан буюн тайёр маҳсулот чикарайдиган ушбу корхонада 50 дан зиёд кишининг бандлиги таъминланган. Ёғочни кешиш, текислаш, қайта ишлаш, йиғиш, бўяш, юмшоқ мебелларларга мато қоплашгача бўлган жараёнларнинг барчаси замонавий ускуналарда амалга оширилади.

Аллақачон харидорлар орасида тилга тушган, корпоратив буюртмачилар ишончини оқлаган "Муратбек мебель" МЧЖни тадбиркорликнинг замонга мос қадам ташлашини хоҳлайдиган Муратбек Танирбергенов маҳорат билан бошқариб келаётир. Бизнес

ривожда унинг эркин бошқарилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маркетингда муваффақият қозониш учун стратегияни тўғри танлаш даркор. Бундай ёндашув бизнесни, бозор ва миқозни ушлаб туришнинг долзарб омили экани аксиомага айланган.

Спикер ўринбосари Ақтам Хаитов корхона ишчи-ходимлари билан очиқ мулоқот чоғида маҳсулот сифати ва хоридорбоплиги ҳалол меҳнат, давр шиддатига мос ва хос ҳаракат самараси эканини алоҳида таъкидлади. Тадбиркорлик субъекти олдида турган муаммолар ва Оролбўйида бизнесни тараққий эттиришга қаратилган таклифлар билан қизиқди.

O'zLiDeP фракцияси раҳбари суҳбат якунида бундай корхоналарнинг кўпайиши, биринчи навбатда, аҳолининг бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканига яна бир бор эътибор қаратди.

Партия етакчиси Ақтам Хаитов Хоразм вилоятида ҳам бўлди. У Гурлан туманидаги Бирлашган қишлоғида жойлашган "Мақсуд-Манзура" томорқа хизмати кластери фаолияти билан танишди.

Мазкур кластер айна пайтда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, иссиқхоналар қуриб бериш орқали томорқачиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келмоқда. 12



йўналишда фаолият кўрсатишга мўлжалланган ушбу кластерда бугунги кунда сутни қайта ишлаш, паррандчилик, кимёвий дори воситалари дўкони, агромарказ каби йўналишларда аҳолига сифатли хизматлар кўрсатиб келинган.

Кластер раҳбари Махсуд Бек-

манов Хитой технологияси асосида қурилган замонавий иссиқхона ҳам ташкил этган. Иссиқхона асосан кўчатчиликка ихтисослашган бўлиб, аҳолига арзон нархда помидор, бодринг, бақлажон каби полиз экинлари кўчатлари, турли гул ва даррахт кўчатларининг янги навларини етиштириб беради.

Спикер ўринбосари мулоқотлар давомида Нукус маҳалласини томорқачилик йўналишида намунали маҳаллага айлантириш, аҳолининг ер билан тиллашишини ва томорқачилик билимларини чуқур ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, маҳаллани саримсоқлиёз етиштиришга ихтисослашувини таъминлаш бўйича тегишли кўрсатма ва тавсиялар берди.

Шунингдек, Ақтам Хаитов тумандаги Пахтачи маҳалласидаги намунали томорқачилар ва маҳаллардаги ҳоким ёрдамчилари билан мулоқот ўтказди. Маҳалладаги Раҳмонбой Шомуратовнинг томорқасида ташкил этилган семинар давомида "Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили асосида мазкур томорқачилик таж-

рибасини оммалаштириш, исмамоқ ва саримсоқлиёз етиштиришга ихтисослашган маҳаллага айлантириш ва ерда йилга 3-4 мартаба ҳосил олишни ўргатиш каби муҳим жиҳатларга эътибор қаратилди.

Спикер ўринбосари томорқачи фаолияти билан танишаркан, маҳаллардаги аҳолининг уй томорқаларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, томорқачи тажрибасини оммалаштириш ва аҳолининг томорқачилик борасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, устоз-шогирд аъёнлари асосида бу каби намунали томорқачиларга 20 нафар ёш ва аёлларни бириктириш лозимлигини таъкидлади. Бунда ҳоким ёрдамчилари ҳар бир маҳаллада камида 5 тадан томорқачиликка ва иссиқхоначиликка қизиқувчи фуқароларни тўғри йўналтириш ва уларнинг ўз фаолиятларини йўлга қўйишда кўмаклашиши зарурлиги эътироф этилди.

Худудий кенгашлар матбуот хизматлари маълумотлари асосида тайёрланди.

СИРДАРЁНИНГ ЯНГИ ФАСЛИ

ВИЛОЯТ АҲОЛИСИНИ ИШ БИЛАН ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАШ МЕЗОНЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ



Бошланиши 1-саҳифада. ►►

Таъкидланганидек, ер – халқимиз ризқ-рўзи манбаи. Бир пайтлар пахта майдонидан бир гектар ажратиш жиноят эди, такрорий экин эккан таъқиб қилинарди. Мана, ҳозир 80 минг гектар пахта ва галла майдонлари аҳолига берилди. Натижада бозорга маҳсулот, оилаларга даромад кўпайди. "Бугун республикадан келган раҳбарлар ва ҳокимлар яна 7,5 минг гектар ер ажратилса, Сирдарё вилоятида ишсизликни йўқ қилиш бўйича таклиф берилади. Мен буни, албатта, қўллаб-қувватладим", деди давлатимиз раҳбари.

Ёшлар фермер хўжаликлари даласидан 0,5 гектардан ер олиб, мош, сабзи, пиёз, саримсоқлиёз етиштиришнинг сўзлаб бериши. Бу йилги даромад ҳисобидан университетда ўқиш, уйини бутлаш режаларини маълум қилиши.

Юртбошимиз Сайхунбод туманидаги "Шук-

роналик мўъжизалари" фермер хўжалиги даласида ҳам бўлди. Мамлакатимизда қайси маҳсулот кўпроқ даромад келтирса, ўшани экишга эътибор ортаётгани ҳам қишлоқ хўжалигида яхши самара бермоқда. Бу фермер хўжалиги ҳам галладан бўшаган майдондан яхши даромад олади. Хусусан, 45 гектар майдонга такрорий экин сифатида мош экилган.

Президентимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари ва мутасаддилари билан мулоқотда инновация ва янги навлар ҳисобига ҳосилдорликни ошириш, сувдан оқилонга фойдаланиш ва ҳисобини юритиш зарурлигини ўқитди. Фермер ва ишчиларнинг маиший шароитини яхшилаш, арзон уйлар қуриш бўйича кўрсатма берди.

Давлатимиз раҳбари бориб кўрган "Политекс Сирдарё" кластерининг тўқимачилик корхонасида ип-калага ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Германия технологияси ўрнатилиб, 700 та иш ўрни яра-

тилган. Шу йилнинг ўтган даврида Хитой, Туркия ва Бангладеш давлатларига 2,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Кластер қошидаги йилга 30 минг тонна ёғ-мой тайёрлайдиган корхонада эса 100 нафар аҳоли бандлиги таъминланган.

Президентимиз Сирдарё вилоятини аҳолиси тўлиқ иш билан таъминланган ҳудудга айлантириш мезонлари белгиланганини билдирди. Масалан, аҳолига деҳқончилик учун ер ажратиш орқали 100 минг иш ўрни яратиш мўлжалланган. Иккинчидан, бу ерларга нима даромадли бўлса, шунини экин бўйича эркинлик берилди. Ким бозорни тушуниб, кўпроқ меҳнат қилса, нақд даромад олади.

Сирдарё вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йўналишда ҳам асосий эътибор янги иш жойларини кўпайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига қаратилди. Вилоятда 35 минг нафар ишсиз, 42 минг нафар чет элга ишга кетганлар бор. Меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни ҳам ҳисобга олиб, 100 минг иш ўрни яратиш талаб этилади. Бунинг учун пахта майдонлари қисқартирилиб, аҳолига бўлиб берилиши қайд этилди. Бироқ бунинг ўрнини ҳосилдорликни икки-уч баравар ошириш ҳисобидан қоплаш, Пахтачилик кенгаши ва олимлар билан ишлаш зарурлиги таъкидланди.

Худудда озиқ-овқат маҳсулотлари, чорва ва парранда етиштириш учун жуда катта имкониятлар бор. Келгуси йили 1 триллион сўмлик паррандчилик лойиҳаларини амалга ошириш, гўшт ва тухум маҳсулотлари ҳажмини 2 баравар ошириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Озиқ-овқат етиштиришни кўпайтириш мақсадида 300 миллиард сўм қўшимча кредит йўналтирилган. Энди деҳқонлар 150 миллион сўмгача гаровсиз кредит олади. Булар келгуси йилда Сирдарё аҳолиси учун 45 минг иш ўрни яратишга замин бўлади. Шунингдек, 5 минг гектар экин майдонидан сўғориш тизимини яхшилашга бюджетдан 40 миллиард сўм ажратилди. Вилоятда 1,7 миллиард долларлик 858 та инвестиция лойиҳалари ҳисобига 20 минг иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Сирдарё вилоятида иш ўринларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ижтимоий соҳани яхшилаш режалари амалга оширилиши натижасида аҳоли даромадлари кўтарилиб, турмуш фаровонлиги юксалиб бориши шубҳасиз.



Ҳаётимиз кўрки, оилаларимиз тотувлиги, фаровонлигини таъминлашда, ёшларни эл-юртга садоқатли қилиб тарбиялашда, миллий урф-одат ва аъёнларимизнинг янада чуқур илди отиб, авлоддан авлодга ўтишида беқийё ўринга эга нуруний отахон-онахонларимиз ҳамisha эътибору эъзозда.

УСТОЗ ЖУРНАЛИСТЛАР ЭЪЗОЗДА



Мана бир мисол: Президентимизнинг "Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 сентябрдаги тегишли баёни ижроси доирасида "Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш – халқимизга хос эзгу фазилат" гоёси остида "Кексалар ҳафталиги" тадбирлари ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан ўтказилган "Устозлар қадр топган юрт" мавзусидаги тадбир ҳам ана шу ҳафталик доирасида ташкил этилди.

Унда нони қаттиқ соҳанинг ҳам шавқ-завқини туйган, ўрни келганда, аччиқ-чучугини тотган, шу соҳада сочи оқарган устоз журналистлар, журналистиканинг сир-асорини ўғил-қизларга ўргатиб келаётган оммавий ахборот воситаларининг фидойи ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлар

уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Асаджон Ходжаев юртимизда ОАВ фаолиятини қўллаб-қувватлаш, соҳа ходимларини рағбатлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапирди. Тадбир давомида сўз олганлар ёши улуг журналистларимизнинг фаолияти, ижод лабораторияси соҳага энди кириб келётганлар учун катта мактаб бўлаётганини таъкидлади.

Шунингдек, тадбирда миллий журналистика соҳасига муносиб ҳисса қўшган, бироқ орамизда бўлмаган устоз журналистлар сиймоси акс этган видеолар ҳам намоиш этилди. Тадбир доирасида бир гуруҳ юбилей ёшига етган фахрий журналистларга совғалар топширилди. Яна бир гуруҳ ижодкорлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

МУХБИРИМИЗ

ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ АСТОЙДИП ҲАРАКАТДА

Бугун маҳалладаги ёшларнинг оғирини енгил қилиш, уларга муносиб турмуш шароитини яратишга масъул ҳисобланган ёшлар етакчиси том маънода маҳалладаги ёшларнинг энг яқин сунъи, ишончли ҳамкори, самимий маслаҳатгўйи, чин дўстига айланиб бормоқда.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими ва Чилонзор туман кенгашининг ташаббуси билан партия сафига қабул

қилинган фаол маҳалла ёшлар етакчилари ҳамкорлигида туманининг қатор маҳаллаларида бўлиб, ёшлар муаммоларини ўрганишди. Асосий мақсад ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтисодий, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантиришдан ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашишдан иборат. Эрта-ки эгаларнинг муносабатлари ва муаммоларига партия билан ҳамкорликда ечим топишмоқда.

Ўрганишлар натижасига кўра, Бешчинор маҳалласида яшовчи, айна пайтда ишсиз бўлган Асрор Низомитдиновга Тошкент шаҳридаги иш-

сизларни касбга қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув марказининг бухгалтерия йўналиши бўйича 3 ойлик ўқув курсида ўқиш учун йўллама берилди. Асрор пухта билим эгаллаб, келгусида жамиятга фойда келтирадиган етук кадр бўлишига ишонч билдирилди.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши маҳаллардаги ёшлар етакчилари билан ҳамкорликда маҳалла ёшларининг муаммоларини ўрганишда давом этмоқда.

**Моҳинисо ФАРМОНОВА,
O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши
Ёшлар ва бизнес тузилмалари
билан ишлаш бўлими мудири**

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг арзон ва сифатли маҳсулотларга бўлган талабини қондириш бўйича сўнгги йилларда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Равшан МАМУТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ

Хусусан, соҳада бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги тенг муносабатларнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди. Соҳага инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг яқинда қабул қилинган "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини юқорида таъкидлаб ўтилган амалий чора-тадбирларнинг мантқиқий давоми ва соҳани қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асоси сифатида эътироф этиш жоиздир.

Хусусан, қарор асосида ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ҳисобига аҳоли даромадини ошириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни моддий ресурс ва хизматлар билан улуғсиз таъминлаш ҳамда етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш механизмлари яратилди.

Шунингдек, мазкур қарор билан соҳада қатор молиявий имтиёзлар ажратилмоқда. Жумладан, мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун ажратилиши кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан Боғдорчилик ва иссиқхона

хўжалигини ривожлантириш жамғармасига 12 ой муддатга, шу жумладан, 11 ойлик имтиёзли давр билан қўшимча 300 миллиард сўм бюджет сусудасини йиллик 10 фоиз ставкада ажратиш режалаштирилган. Шунингдек, йил давомида Боғдорчилик агентлигининг бюртманомалари асосида қўшимча бюджет сусудаси ажратиб берилишини таъминлаш белгиланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур маблағлар қишлоқ хўжалиги корхоналарига қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришга ҳамда маҳсулотларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчи корхоналарга етиштирилган экинларни харид қилишда талаб этиладиган айланма маблағларини тўлдирish учун ажратилади. Бу, албатта, аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Аҳамиятлиси, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун кредитлар 150 миллион сўмгача гаровсиз берилади. Шунингдек, кредитлар бўйича фоиз тўловлари йиллик 14 фоиз миқдорда белгиланиб, кредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 12 ой муддатгача ажратилади.

Тадбиркорларга қулайликлар яратиш мақсадида ажратиладиган кредит маблағларининг 50 фоизигача бўлган қисми қарз олувчи талабига асосан нақд пулда тақдим этилиши назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, ажратиладиган кредитлар бўйича Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари гаров таъминоти сифатида

қабул қилиниши белгилаб ўтилмоқда.

Қарорда суғурта масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилгани соҳа ривожининг муҳим кафолатидир. Бунда кредит маблағларининг қайтмаслик хатари ёки ҳосилни хавф-хатардан суғурта қилиш бўйича суғурта полиси қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирувчиларга ажратиладиган кредитлар бўйича гаров таъминоти сифатида қабул қилиниб, кредитларни сўндиришга йўналтирилиши кўрсатиб ўтилмоқда. Шунингдек, экинларни етиштирувчиларга ҳосилни хавф-хатардан суғурта қилиш харажатларининг 50 фоизи Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилиши белгиланмоқда.

Ушбу қарор биз депутатларга ҳам муҳим вазифаларни юклайди. Хусусан, сайловчилар билан учрашувларимиз давомида аҳолини қишлоқ хўжалиги соҳасида тадбиркорликка қизиқтириш, ер ресурсларидан унумли фойдаланиш орқали ўз даромадини ошириш масалаларини жойларда тарғиб этишимиз лозимдир. Айниқса, аҳолини қишлоқ хўжалиги соҳасида рўй бераётган янгиликлар, ижобий тажрибалар, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлаётган талаблар ва ўзгаришлардан кенг хабардор қилишда ҳам ташаббус кўрсатишимиз зарурдир.

Бунда албатта жойларда учраётган муаммо ва тақлифларни ҳам мунтазам таҳлил этган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириб бориш ҳам асосий вазифаларимиздан бўлмоғи лозим.



ҲАР БИР

МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗ БЮДЖЕТИ БЎЛАДИ

Беғубор болалигимиз, Ватанга муносабатимиз оиладан, маҳалладан бошланади. Дунёқарашимизнинг нечоғли покиза шаклланиши, урф-одатларимизнинг тамал тоши ҳам мана шу азиз масканлардан қўйилади.



Барно МИРЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Президентимиз раислигида шу йил 11 октябрь куни маҳаллаларни обод қилиш ва аҳолини ўйлангиратган масалаларни ҳал этиш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида айтилган фикрлар ҳам беҳиж эмас. Барча эътибор айнан маҳаллага, уни фаровон ва обод қилишга қаратилди.

Унда давлатимиз раҳбари ҳар бир маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун келгуси йилдан "Маҳалла бюджети" тизими жорий этилишини эълон қилди. Ҳар бир вилоятнинг солиқ ундирилиши паст бўлган биттадан туманида, тажриба тариқасида, аҳолининг мол-мулк ва ер солиғини ундириш маҳалланинг ўзига ўтказилади. Бундан тушган маблағ маҳалла бюджетига тушади. Бу дегани маҳалла ўзини мустақил тасарруф этади, шу ҳудудда тўланадиган солиқ ўзларининг чўнтағида қолади.

Бу янги тизимнинг нечоғли катта аҳамиятга эгалиги ҳақида айтадиган бўлсам, илгари маҳалла мутасаддилари ўз ҳисоб рақамида ўзлари тасарруф этадиган маблағ йўқлиги учун фақат ҳомийлар ёрдамига кўз тикиб туришар эди. Эндиликда улар ўз бюджетига эга, қўли узун бир ташкилотга айланади.

Бундан кўзланган мақсад битта – қишлоқларда яшаётган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бартараф этиш, одамлар учун қулай яшаш шароитлари яратиш, ҳаётдан рози қилишдек улғувор мақсад мужассам. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари мазкур йиғилишда ҳар доим ислохотлар натижасини одамлар ўз ҳаётида, маҳалласида сезиши муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шу маънода жорий йилги дастурлар доирасида 4 минг 100 та маҳаллани обод қилиш, болалар боғчаси, мактаб, соғлиқни сақлаш, сув, электр, канализация билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилишга бюджетдан қарийб 29 триллион сўм маблағ ажратилгани айтилди. Бунинг эвазига 434 та маҳаллада ички йўллар таъмирланди. 672 та маҳаллага ичимлик суви тармоғи тортилди. 34 та янги мактаб барпо этилди, 338 таси реконструкция қилиниб, 360 таси таъмирланди, уларда қўшимча 78 минг ўқувчи таълим оли-

шига имконият яратилди. Шунингдек, 580 та трансформатор, 20 минг километр тармоқлар янгилашиб, 413 та маҳалладаги 1,5 миллион аҳолининг электр таъминоти яхшиланди.

Демак, бугунги кунда юртимизда 9 минг 370 та маҳалла бўлса, юртбошимиз топшириғига кўра, уларнинг ҳар бирига борилиб, аҳолини қўлай яшаш муаммоларини ҳал қилиш шакллантирилади. Асосан, йўл, ичимлик суви, суғориш тизими, электр таъминоти, таълим ва тиббиёт борасида кўтарилган 12 мингта масала ҳал этилиши юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Яна бир долзарб масала – 20 октябрдан 1 декабргача кўчат экиш бўйича долзарб 40 кунлик эълон қилинди. Аслида юртимизни обод, гўзал ва ҳар томонлама кўркем бўлиши эл-улуснинг элга боғлиқ. Шундай экан, йиғилишда қуноқчилик билан айтилган ҳар бир топшириқ ва ташаббусни қўллаб-қувватласан ва амалий ишларга бош қўсасан, албатта ниятибизга етамиз.

ИШЧИ ГУРУХЛАР ФАОЛИЯТИ

ТАНҚИДГА ЯРАША ТАҲЛИЛ ҲАМ КЕРАК



Жойларда маҳаллий кенгашлар депутатлари, бошланғич партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар давр шиддати, янги боқичга кўтарилган ислохотлар руҳига ҳамроҳми?

O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгашида партия Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси матбуот хизмати раҳбари Элмурод Панжиев, вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари ходимлари иштирокида бўлиб ўтган танқидий муҳокамада айнан шу саволга жавоб изланди.

Ўзига хос сарҳисоб, деб қаралган мулоқотга O'zLiDeP Ишчи гуруҳи томонидан ҳафта давомида маҳаллий кенгашлар ва БПТлар фаолиятини ўрганиш натижасида чиқарган хулосалари асос қилиб олинди.

Унда алоҳида таъкидланганидек, фаолият самарадорлиги кенг жамоатчилик баҳоси билан ўлчанади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, партияга кириш истагида бўлган фуқаролар, айниқса, ёшлар сафи ошиб бораётгани ижобий ҳолатдир.

Маълумки, электроратта таъсир кўрсатишда партия ташаббуслари ҳақидаги ахборотни тезкор етказиш, аҳолининг турли қатламлари, тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар, мўлдорлар синфи вакилларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашда қўйи бўғин аъзоларининг муҳим ўрни бор.

– Айни пайтда O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши таркибида 81 410 нафар маслақдошнинг ўз сафига бириктирган 893 та БПТ фаолият олиб бормоқда, – дейди Ишчи гуруҳ аъзоси Шоҳруҳ Ўразбоев. – Олиб берилган тарғибот-ташвиқот жараёнида партия сафига 249 нафар аъзо қабул қилинди. 8 та янги таянч бўғин тузилди.

Баландпарвоз, қуруқ шиорлар замони ўтиб кетгани, ёшларнинг дунёқарашини тубдан ўзгартириб, аниқ мақсад билан партияга аъзо бўлаётгани ташкилот ва корхоналар, маҳалла ва таълим муассасаларидаги тадбирларда яққол кўзга ташланди. Масалан, Жиззах давлат педагогика университети

тетиде бўлиб ўтган очиқ мулоқотда талабалар томонидан партия фаолиятига доир жуда кўпгина саволлар берилди. Жўяли тақлифлар ўртага ташланди. "Ёшлар қаноти" билан ҳамкорликни бутунлай янги форматда йўлга қўйиш юзасидан муҳокамага арийдиган мулоҳазалар билдирилди. Маҳаллий кенгашлар депутатлари, қўйи бўғин фаоллари сийёсий адабиётлар, тарқатма материалларга катта эҳтиёж сезаётгани очиқ айтилди.

Тадбир давомида, шунингдек, сийёсий ўқув, тарғибот жараёнида партиянинг бош наشري бўлган "XXI аср" газетаси билан ижодий ҳамкорликни кучайтириш, уни маслақдошларимиз орасида оммалаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Куннинг иккинчи ярмида Ишчи гуруҳ аъзолари "Жиззах" махсус иқтисодий зонасида бўлиб, "JIZZAX KENTEX" масъулият чекланган жамияти билан яқиндан танишдилар. Мақур корхонада Швейцариядан келтирилган илгор асбоб-ускуналарда калава ип ишлаб чиқарилади. Айни пайтда 910 кишининг бандлиги таъминланган. Маҳсулотнинг 80 фоизи Туркия, Германия, Хитой каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида корхонада 209,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, экспорт ҳажми 14692,7 минг АҚШ долларини ташкил қилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари корхонада яратилган шароитлар билан атрофлича танишиб, меҳнат жамоаси иштирокида мулоқот қилди. Ўзаро суҳбатлар чоғида меҳмонлар сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари, O'zLiDePнинг ҳозирги кунда жадал фаолияти тўғрисида батафсил маълумот бердилар.

Натижада партия сафига кириш истагида бўлган 30 нафар аъзо рўйхати шакллантирилиб, уларга O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгашининг эсдалик совгалари топширилди. Мақур корхонада янги БПТ фаолият кўрсатадиган бўлди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Сийёсий таълим маркази раҳбари Насимжон Алимов Бухоро вилоятида партия вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари Бобомурод Очилов, O'zLiDeP Шофиркон туман кенгаши масъуллари ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамроҳлигида ҳудуддаги "Amirtex" ёрлиги остида фаолият юритувчи "AZTEX" тикувчилик фабрикаси раҳбарияти ҳамда ишчи-хизматчилари билан юзма-юз мулоқотда бўлди.



ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР

ПАРТИЯМИЗГА ИШОНЧНИ ОШИРМОҚДА

Ушбу фабрика жорий йил июль ойида фаолият бошлаган. Корхонада 1 минг 200 кишининг бандлиги таъминланган бўлиб, уларнинг 755 нафари айнан тикувчилик йўналишидаги ишлар билан банд. Ишлаб чиқариш цехларида ўрнатилган замонавий тикув ускуна ҳамда даст-гоҳлари туфайли кундалик иш сифати ва самарадорлигини оширишга эришилмоқда. Япониядан 14 млрд. 170 млн. сўм маблағ эвазига келтирилган сўнгги русумдаги 660 та тикув машинаси ёрдамида экспортбон ярим тайёр хомашё – мато ишлаб чиқарилмоқда. Фабрика ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 2 млн. сўм. Бу ерда устоз – шогирд йўналишидаги ишлар ҳам талаб даражасида ташкил этилган. Корхона тўла қувват билан ишга туширилгач, 264 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга киришляди.

Меҳнат жамоаси билан ўзаро суҳбатда Насимжон Алимов мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг самараси, шунингдек, O'zLiDePнинг ҳозирги даврдаги устувор вазифалари ҳусусидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди. Президенти-

мизнинг мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириш мақсадида қабул қилаётган фармон ва қарорларининг ижросини таъминлашда туман партия кенгаши масъуллари ва маҳаллий кенгаш депутатларининг фаолигини янада ошириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Учрашувда, шунингдек, O'zLiDePнинг дастурий мақсад ва вазифалари, партиявий лойиҳалар ва уларнинг амалдаги ижроси ҳусусида ҳам сўз борди. Корхона меҳнат жамоаси аъзолари ушбу партия аъзоси сифатида фаолият олиб боришга даъват этилди. Корхона ходимларининг 50 дан ортиги партия дастурий мақсад ва вазифаларига хайрихоҳлик билдириб, O'zLiDeP сафига киришга розилик билдирди. Келгусида ушбу ишлаб чиқариш субъектида партия қўйи бўғини тузиладиган бўлди.

Юзма-юз мулоқотлар Олот, Қорақўл, Жондор ва Ромитан туманларида ҳам давом этди.

Асқор ИСТАМОВ,
"XXI asr" мухбири

МУНОСАБАТ

ХАЁТ ЧОРРАХАСИ

ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИ ҚАНДАЙ КАФОЛАТЛАНГАН?

Ватанизм мустақилликка эришгандан сўнг қабул қилинган илк тарихий ҳужжатлардан бири – “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги қонундир. Унда ҳар бир шахс мулк ҳуқуқига эга бўлиши ва мулкнинг дахлсизлиги аниқ белгилаб берилган.

Бу йил қабул қилинганига 30 йил тўлаган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эса мамлакат иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида экани кафолатланган.

Мазкур конституциявий қоида тадбиркорликка оид қонунчилик ҳужжатларининг яратилишига асос бўлиб хизмат қилди. Утган йиллар мобайнида бу соҳада қатор ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Эндиликда уларни яхлит қонунга, яъни кодексга айлантириш эҳтиёжи юзага келди. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган институционал тизим яратилгани алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (бизнес омбудсман) ташкил этилгани ҳам фикримиз далилидир.

Айни пайтда хусусий мулк дахлсизлиги билан боғлиқ низолар, жумладан, носоғлом рақобат натижасида тадбиркорнинг мол-мулкдан айрилиши, давлат органининг мансабдор шахси томонидан чиқарилган ноқонуний қарорлар сабаб мулкнинг олиб қўйилиши ёхуд адолатли тоvon пулини бермаслик билан боғлиқ муаммолар ҳалигача тўлиқ ечимини топмагани ҳам ҳақиқатдир.

Аслини олганда, монополия, носоғлом рақобат ва қонун устуворлигининг таъминламаслиги давлатнинг иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўладиган омиллар ҳисобланади. Бундай иллатлар мавжуд муҳитда тадбиркор ўзининг новаторлик фоялари билан давлат иқтисодиётига хиссасини қўшиши имконияти чекланади, аҳоли даромади ошмайди. Сифатсиз маҳсулотларни истеъмол қилувчи макон пайдо бўлади.

Конституциявий ислохотлар жараёнида хусусий мулк дахлсизлиги билан боғлиқ қатор қоидалар ишончли кафолат сифатида

белгилашнинг кўришимиз мумкин. Хусусан, 53-моддада иқтисодий фаолиятда носоғлом рақобатга, монополаштиришга йўл қўйилмаслиги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмаслиги ва бекор қилинмаслиги ўз аксини топмоқда. Агар мулк жамоат эҳтиёжлари учун мажбурий равишда бошқа шахсга ўтказилса, ўрнини олдиндан ва тенг қийматда қоплаш шартли белгиламоқда.

Бинобарин, Президентимиз Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашув жараёнида таъкидлаганидек, Асосий қонунда фуқароларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг дахлсизлигини кафолатлаш бўйича давлатнинг мажбуриятларини мустаҳкамлаш зарур.

Модомики, мулкнинг ҳуқуқий тақдирини белгилаш, юзага келган низоларни бартараф этиш фақат суд томонидан ҳал қилиниши халқаро ҳужжатлар ва ривожланган давлатларнинг тажрибалари билан исботланган. Хусусий мулкни ҳимоя қилишга қаратилган қоидаларнинг Конституция даражасида акс эттирилиши, хусусан, ҳеч бир шахс ўз мулкидан суднинг қарорисиз маҳрум этилиши мумкин эмаслиги қатъий норма сифатида киритилиши жамиятнинг иқтисодий негизи саналган бозор муносабатларининг ривожланишига, қулай ва хавфсиз бизнес муҳитининг шаклланишига хизмат қилади.



Азат МАТМУРАТОВ,
Халқ депутатлари Тахиятов туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси

– Ассалому алайкум. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими бошлиғи Отабек Норбоевман. Лаббай, эшитаман. – Ассалому алайкум, Отабек ака. Намангандан Наимжон Халиловман. Олий суд ҳукми чиқди. Мен оқландим! Марказ директориға ҳам, сизга ҳам катта раҳмат!

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан эътиборсизлик ва масъулиятсизликка йўл қўйилиб, суд ҳукми билан асоссиз жиноий жавобгарликка тортилган ва ўз номини оқлаш учун 5 йил овраи сарсон бўлган наманганлик тадбиркорнинг са-

Жиноят кодексининг 189-моддаси билан жиноят иши қўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Чуст тумани судининг 2017 йил 10 апрелдаги ҳукми билан тадбиркор айбли деб топилди ва унга энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдорда жарима жазоси тайинланди.

моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади”.

Шундан сўнг, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ушбу ҳолатда жиноят-процессуал қонунчилик талаблари бузилганини далиллар билан асослаган

марказнинг қўллаб-қувватловини ҳар доим ҳис этиб турдим. Олий суддан ниҳоятда миннатдорман. Менга қўйилган асоссиз айблов бекор қилиниб, адолат қарор топди, – дея таъкидлайди Наимжон Халилов.

Ҳа, наманганлик тадбиркор Наимжон Халилов Олий суднинг 2022 йил 19 августдаги қарори билан оқланди. Аммо у ўзининг жиноятчи эмаслигини исботлаш учун сарфлаган беш йиллик умр-

Тадбиркор нега беш йил деганда энди оқланди?



мий миннатдорлик сўзларини тинглаб, гўшакни кўяр экан, Отабек Норбоевнинг ҳаёлидан бир фикр ўтди: “Адолат эгилди, букилади, аммо синмайди!”.

Наимжон Халилов Наманган вилоятининг Чуст туманида яшайди. Мамлакатимизда яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланаётган тадбиркор тумандаги “Чуст Фароғатхон” хусусий корхонасининг раҳбари. Унинг бошига тушган барча кўргуликлар 2017 йилда тасарруфдаги корхона фаолиятининг давлат солиқ инспекцияси томонидан текширилиши билан бошланди. Инспекция тадбиркорнинг 2014 йилнинг 1 январидан 2017 йилнинг 4 ноябрга қадар 814 млн. 788 минг сўмлик қарим қилинмаган маҳсулотларни сотувга чиқарганини, пул ўтказиш йўли билан сотиб олинган 399 млн. 308 минг 112 сўмлик маҳсулотларни нақд пулга сотиб, назорат касса машинасига кириб қилмаганини аниқлади. Тадбиркор айбига иқроор бўлди ва бир ой ичида етказилган моддий зарарни қоплади. Бундан кейинги фаолиятда қонунларга сўзсиз итоат қилиш бўйича ўзи учун тегишли хулоса чиқарган Наимжон Халиловнинг муаммолари, аслида, шу билан тугаши керак эди.

Аммо иш инспекция томонидан Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига ўтказилди ва Н. Халиловга нисбатан

Наимжон Халилов қилган хатоси учун бу қадар катта товон тўлашини, унга судланганлик тамғаси босилишини қабул қила олмади. Адолат тикланишини, суд ҳукми бекор қилинишини сўраб, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказига мурожаат қилди.

Миллий марказ ҳуқуқшунослари унинг мурожаатини кўриб чиқиб, чиқарилган суд ҳукми қонуний асога эга эмаслигини аниқлашди. Чунки ишбилармон айбдор деб топилиши учун асос бўлган Жиноят кодекси 189-моддасининг иккинчи қисмида аниқ белгилаб қўйилганидек: **“Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидалари бузилишининг оқибатларини бартараф этган ва етказилган**

ҳолда ишни қайта кўриб чиқиш тўғрисида Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди кассация босқичига тавсия киритади. Аммо кассация суди ҳукмини ўзгартирмасдан қолдиради. Шунингдек, Миллий марказнинг бошқа ваколатли органларга киритилган тавсиялари ҳам натижа-сиз ниҳояланди...

– Рости, ўша пайтда тушкунликка тушиб қолдим. Айбисизлигимни исботлай олишимга кўзим етмасди. Бироқ мамлакатимизда суд тизимида амалга оширилаётган ислохотларни кузатар эканман, адолат тикланишига ичимдан ишонардим. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг: **“Суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим”**, деган сўзлари менга далда бўлди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий

ни ортга қайтариб бўладими? Нима учун ҳуқуқ-тартибот ва суд органлари бундай эътиборсизликка йўл қўйишди? Суд органлари ўзлари йўл қўйган хатони тан олмаслик нуқтаи назаридан эмас, адолат ва инсон қадрини устуворлиги тамойили асосида бу каби масалаларга ёндашиши керак эмасми?

Қонун тарзисини тутиб турган судьяларимизнинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик ҳукмрон бўлмас экан, юқоридагига ўхшаш саволлар ҳам келиб чиқаверади. Судлар қабул қилган ҳар бир қарор адолатли, қонуний ва асосли бўлишига эришилсагина, инсон қадрини ва қонуний манфаатлари устуворлигини таъминлаш мумкин.

Азизбек РАМАЗОНОВ,
журналист

МАДАД

ТЎКИН ДАСТУРХОНИМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотлар давомида халқимизнинг аънавий турмуш тарзига айланб кетган томорқачиликни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилётгани диққатга сазовор.

Бу борада, айниқса, Президентимизнинг 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Қарор асосида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузурида алоҳида жағарма тузилди.

Бугунги кунда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан фермер, деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари, “Томорқа хизмати” МЧЖлар, қишлоқ хўжалиги кооперативлари молиявий қўллаб-қувватланмоқда. Кредит ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш, соҳада инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, янги турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни рағбатлантириш, шунингдек, янги самарали технологияларни жорий қилишга ҳам кўмаклашилмоқда.

Жамғарма қишлоқ хўжалиги фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашувчи давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларни, лойиҳалар ҳамда тадбирларни амалга оширишга ҳам иштирок этаётир. Биргина мисол, ўтган 4 йил давомида 46 мингдан ортиқ томорқа ер эгалари ва тадбиркорлар жами 1 триллион 231 миллиард сўмдан ортиқ молиявий қўллаб-қувватланган бўлса, биргина жорий йилнинг дастлабки 9 ойида 14 минг 800 дан ортиқ ташаббускорга 459 миллиард сўм маблағ имтиёзли кредит сифатида ажратилган.

Молиявий сармоялар туфайли 4 546 та хонадонда (жами 81,6 гектар майдонда) иссиқхона ташкил этилди, 6 448 та хона-



донда 62 800 дан ортиқ зотдор қўй, яна 1 174 та хонадонда эса 3 804 та қорамол, 2 200 та хонадонда 425 мингдан ортиқ зотдор парранда, 620 та хонадонда 11 200 дан ортиқ асалари қутилари, 212 та хонадонда 11 минг қўён, 415 нафар фуқаро томонидан салкам 700 та мотокультиватор сотиб олинган. Шунингдек, 865 нафар томорқа ер эгаси зарур кўчат ва уруғлар сотиб олган бўлса, 145 нафари боғ ва тоқзор ташкил этди. Қувонарлиси, ушбу ҳаракатлар натижасида жорий йилда жами 14 000 дан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилди.

Албатта, бизнинг асосий мақсадимиз юртимизда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини моддий қўллаб-қувватлаш ва бу орқали хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантиришидир.

Маъруфжон ҲОЗОВ,
Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси бош мутахассиси



“ДЕПУТАТ КУБОГИ” УЧУН БЕЛЛАШУВ

Халқ депутатлари Юнусобод туман кенгаши депутати Шавкат Қурбанбаевнинг ташаббуси билан ёшларнинг буш вақтини мазмунли ташкил этиш, спортга жалб этиш, уларнинг соғлом ҳаёт кечирishiларини таъминлаш мақсадида 19-Анорзор округидаги Анорзор ва Хуснобод маҳаллалари ёшлари ўртасида стол тенниси, шашка ва шахмат бўйича “Депутат кубоги” мусобақаси ўтказилди.

Мусобақада 60 га яқин ўғил-қиз қатнашди. Қизгин бахсларда совриндорлар медал ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, Хуснобод маҳалласи ёшлари ўртасида ташкил этилган спорт мусобақаларида Юнусобод тумандаги 53-мактаб ўқувчилари фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллади.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати



21 ОКТАБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ

ИШОНЧЛИ МАНБАНИ ИНКОР ЭТИШ – МАНТИҚСИЗЛИК

Хизмат тақозоси боис “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га тез-тез мурожаат қилиб тураман. Таниқли академиклар, қилни қирқ ёрайдиган тилшунос профессорлар томонидан тайёрланган беш жилдли ушбу луғат ҳозирги ўзбек тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингга яқин сўз ва сўз бирикмаларини, фан-техника, санъат ва маданиятга оид терминларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни ҳам қамраб олган. Лўндасини айтганда, ишончли манба.

Аммо айрим мутасаддиларнинг “ўта билагон”лиги сабаб узоқ йиллар давомидаги чуқур тадқиқот самараси ўлароқ яратилган ана шундай манбаларнинг инкор этилиши фидойи лингвистларни ранжитмай кўймайди, албатта. Яқинда ана шундай воқеалардан бирининг гувоҳ бўлдим. Нуфузли идоралардан бири янги ташкилотга танланган номда “фозила” сўзи борлиги учун уни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этди. Эмишки, “фозила” диний тушунча. Ўзига хос ақлий баҳса ечим топиш учун юқорида тилга олинган академик нашрнинг тўртинчи жилдида “фозила” сўзига берилган таъриф ва изоҳни қайта ўқидим. Унда шундай дейилади: *фозила – илм-фан асосларини яхши эгаллаган аёл, олима.* Ҳаётда қўлланишига мисол тариқасида Пиримкул Қодировнинг машҳур “Юлдузли тунар” асаридан мисол келтирилган: *Бегим ой деса ойдек, кун деса кундек, оқилаю фозиладирлар.*

Савол туғилади: қани бу ерда диний тушунча? Агар ўша мутасаддилар ҳақ дейдиган бўлсангиз, Форобийнинг ёшу қари муталоа қилган “Фозил одамлар шаҳри” асари ҳам диндорлар шаҳри ҳақидаги китобга айланб қолмайдими?!

Энди Президентимизнинг шу йил 8 март – Халқро хотин-қизлар байрами муносабати билан йўлланган табриқидан олинган иқтибосга эътибор қаратинг: *“Айни пайтда биз инсоният тараққиётига унутилмас ва беқийёс ҳисса қўлган буюк аждодларимизни дунёга келтириб, меҳр билан тарбиялаган, уларни улғурғор ишларга руҳлантириб, қамраббаста бўлган фозила аёлларимиз билан албатта фахрланамиз”.*

Кўриб турганингиздек, бу ерда ҳам диний мазмун йўқ, тўғрими? ...Мутасаддилар барибир қайсарлигини кўйишмади. Янги ташкилот номидан “фозила” сўзи олиб ташлангандан кейингина у расман рўйхатга олинди. Таажуб ва таассуфнинг охири кўринмас экан бунақа пайтда.

Тил – миллат ғурури. Тараққиёт ғурурга таянади, миллий қадриятдан куч олади. Иқтисодиёт маънавиятсиз жадал ривожлана олмайди. Чунки иқтисодиёт жамиятнинг қон томирига қисилсанса, маънавият унинг ичидида ҳаёт чашмасига менғизалади.

Халқнинг маънавияти қандай даражада экани эса, аввало, она тилига бўлган эътибор билан баҳоланади. Беш ярим аср илгари Алишер Навоий бобомиз тилга эътиборсизларни элга эътиборсиз дея маломат қилган бўлсалар, ҳассос замондошимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов она тилини эъзозламаганнинг тўтидан ҳеч фарқи йўқлигини бежиз ёниб қуйламаганди.

Маълумотларга кўра, Ер юзиде жами 7 мингдан ортиқ тил бор. Лекин 7,5 миллиард киши мулоқот қиладиган бу тилларнинг бор-йўғи бир фоизи, яъни 70 та тилда дунёнинг 90 фоиз аҳолиси мулоқот қилади. Ўзбек тили ҳам жаҳон миқёсида одамлар кўп гаплашадиган тиллар қаторига кирган бўлиб, ҳозирда бу рақам 50 миллиондан ортиқ нуфусни ташкил этаётгани диққатга сазовор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сибасатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан “2020–2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сибасатини такомиллаштириш концепцияси” тасдиқлангани галдаги вазифалар ижросида муҳим аҳамият касб этмоқда. Зотан, айнан мана шу концепцияда ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаятган ёшларни ватанпарварлик, миллий аънава ва қадрیات-



Гавҳархон МУҚАДДАСОВА,
Давлат солиқ қўмитаси раисининг маслаҳатчиси

ларга садоқат руҳида тарбиялаш, давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, мамлакатимиздаги миллат ва элатларнинг тилларини ҳам ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш сингари тил сибасатининг устувор йўналишлари ҳамда истиқболдаги босқичлари белгилаб берилган.

Масалан, Давлат солиқ хизмати органларида ушбу фармон ижроси юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда концепцияда назарда тутилган йўналишларнинг соҳага тегишли жиҳатларига жиддий эътибор қаратилаётир. Жумладан, давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш, давлат тилининг соғлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш, давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш бўйича сезиларли силжишлар кўзга ташланди.

Қўмитада ички ҳужжатлар вазирилик ва идоралар орасида биринчилардан бўлиб тўлиқ лотин ёзуви асосидаги ўзбек тилида юритишга ўтказилди. 2021 йил 28 июлда қабул қилинган буйруққа биноан марказий аппаратдан тортиб, энг чекка ҳудуддаги солиқ инспекциясигача ҳужжатлар лотин ёзуви асосидаги ўзбек тилида расмийлаштирилиши таъминланмоқда.

Фармон талабидан келиб чиқиб, давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувига эришиш мақсадида электрон ҳужжат айланишига хизмат қиладиган дастурлар ва уларнинг мобил иловалари тўлиқ лотин ёзуви асосидаги ўзбек тилига ўтказилди. Тизимда дастурий маҳсулотларнинг ўзбекча иловалари ва электрон луғатларни яратиш ишлари концепция талаблари доирасида қизғин давом эттирилмоқда.

Манфаатдор вазирилик ва идоралар зиммасига босқичма-босқичлик асосида ўзбек тилининг луғат бойлигини оширувчи 15 та лингвистик, соҳавий-терминологик, изоҳли луғатлар яратиш вазифаси қўйилган эди. Жумладан, ўзга тиллардан кирган ижтимоий-иқтисодий атамаларнинг ўзбек тилидаги муқобилларини қўллаш кўламини сезиларли равишда кенгайтириш мақсадида соҳалар кесимида қатор луғатлар яратилиб, сифатли нашр этиляпти.

Ана шу изчил жараённинг тадрижий давоми сифатида “Солиқ терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати” тузилди. Давлат солиқ қўмитасининг малакали мутахассислари томонидан тажрибали олимлар, журналист ва таржумонларни жалб қилган ҳолда тайёрланган ушбу луғат соҳага оид атама ва сўз бирикмаларининг турлича ёзилиши, ҳар хил талқин қилиниши билан боғлиқ тушунмовчиликларга барҳам беришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, таниқли ёзувчи ва адабий танқидчи Анатолий Франс таъбири билан айтганда, луғат – алифбо тартибидеги коинот, китоблар китобиридир.

Мазкур луғат айна йўналишдаги дастлабки ҳаракат бўлгани учун унда камчилик ва нуқсонлар кўзга ташланиши табиий, албатта. Шунинг

учун ҳам луғатни янада такомиллаштирган ҳолда солиқ соҳасининг барча терминларини янада кенгроқ қамраб оладиган энциклопедияга айлантириш ишлари изчил давом эттирилади. Модомики, тилшуносларнинг тақлиф ва мулоҳазалари, ҳатто асосланган эътирозлари ҳам муаллифлар томонидан бажонидил қабул қилинади.

Глобаллашув даврида аънавий китоб тарзида чоп қилинган луғатлардан фойдаланиш айниқса хозирги ёшлар учун ноқулайликни туғдириши кузатилган. Ўқувчи, талаба уни ҳамма вақт ўзи билан олиб юрилмайдими. Уяли алоқа вазирати орқали PDF форматидан фойдаланганда эса керакли сўзни қидириб топишга маълум вақт йўқотилади. Демак, бугунгидек ахборот технологиялари шиддатли тарзда ривожланаётган бир пайтда луғатчилик билан шуғулланаётган мутахассислар олдида мобил луғатлар яратишдек долзарб вазифа турибди. “Солиқ терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати”ни электрон шаклда Давлат солиқ қўмитасининг расмий мобил иловалари қаторига қўшиш тадориғи бошлангани ҳам ана шундай эҳтиёж мевасидир.

Ҳар бир соҳада терминларни илмий жиҳатдан тартибга солиб туриш узлуксиз жараён ҳисобланади. Бунда терминологик тамойиллар ва меъёрларга қатъий амал қилиш, тақлиф этилган атама юзасидан ишончли манбаларга таяниш бош мезон бўлмоғи керак. Мазкур луғат ана шу талабдан келиб чиқиб яратилди. Унга киритилган сўзларни изоҳлашда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, хусусан, Солиқ кодекси, Президентимизнинг соҳага оид фармон ва қарорларида асосий тушунчаларга берилган таърифларга мувофиқлик сақлаб қолинишига жиддий эътибор қаратилди.

Забардаст олимларимиз қайта-қайта ўқираётганидек, тил нафақат маънавият ва маданиятнинг, балки тафаккурнинг ҳам асосий таянчидир. Шунинг учун ҳам миллий тафаккур деган тушунча мавжуд. Тафаккурга шакл-шамойилгина эмас, аниқ ўзан бахш этадиган қудрат ҳам тилдир.

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг “Довондаги ўйлар” китобидан олинган мулоҳазалар мақоламизга мустаҳкам хулоса вазифасини ўташи тайин. Тилда ҳикмат кўп. Тил – халқнинг, миллатнинг энг катта бойлиги, энг қутлуғ неъматидир. Аввало, Оллоҳ таоло халқларга тилни инъом этган экан, бандаларини ўзаро мулоқотда қийналмасин, бир-бирларини англаб, эҳтиёжларини ўзаро тушуниб, бир-бирларига меҳрибон бўлсин, деган мақсадни кўзлаган. Шу билан бирга, менинг бандаларим ҳайвонлардан ажралиб турсин, уларни табиатдаги энг олий мавжудот сифатида яратганим тилда ҳам сезилиб турсин, деган ният ҳам бўлиши керак. Ҳарҳолда, тилнинг яратилишида ақл бовар қилмайдиган уйғунлик, мақсадга мувофиқлик бор.

Тил борасида сира ҳам шоша-шошарлик кетмайди. Тилда қайси сўзлар яшаб қолади-ю, қайсилари истеъмолдан чиқиб, йўқ бўлиб кетади – буни фақат ҳаётнинг ўзи ҳал қилади.



ОНА ТИЛИГА МУНОСАБАТ ҚАЧОН “ОКЕУ” БЎЛАДИ?

Майли, ким қай тилдан завқу шавқ олса,
Менинг ўз тилимга минг жоним фидо.
Эрта она тилим агар йўқолса,
Мен бугун ўлишга бўлурман ризо.


Расул ҲАМЗАТОВ

Ҳозир кўпчилик нутқида соф ўзбекча сўзларни қўлламайди. Русча, инглизча ва бошқа хорижий тилдаги сўзларни ара-лаштириб гапириш урғу айлангандек. Бир кишининг шу мавзуга оид сўзларини тинглаб, ҳайрон қолдим: “Эндиги замонда қанчалик юқори савияли эканлигини билдириш учун русча сўзларни аралаштириб гапиришни керак. Шундагина атрофдагилар сенга нисбатан ҳурматда бўлади, тил биларкан, деган хулосага келади”. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, бу ҳолат она тилига нисбатан ҳурматсизлик эмасми?! Бу – икки тилни ҳам чала билишдан дарак, аслида.

Она тилимиз бошқа тиллардан асло қолишмайди. Ундаги барча сўзлар ширани ва жарангдор. Фақатгина буни “савияли”лар тушуниб етмаган. Шундайлар олдида адабий сўзлардан фойдаланиб гапирсангиз борми, нақ кулгига қоласиз.

Яна бир ҳолат. Юртимиздаги турли бинолар, дўконлар, гўзаллик салонлари, боғчаларга қўйилган номларнинг аксарияти ўзбек тилида эмас, балки хорижий тилларда ёзилган. Нақадар ачинарли ҳолат. Энг ёмони, биз бунга кўнжиямиз! Нима учун уларни ўз тилимизда номлай олмаимиз? Наҳот бу шунчалик қийин?

ҚОНУН ҲИМОЯСИДА



БИРГА ЯШАМАСЛИК

фарзанд дийдоридан
махрум қилиш дегани эмас

Оила кодексининг 66-моддасида ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгаллиги, 73-моддасида эса ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шартлиги, тарбияси ва камолоти учун жавобгар бўлиши, уларнинг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шартлиги белгилаб қўйилган.

Аммо ҳаётда турли сабабларга кўра бирга яшамайдиган ва фарзанди ўзи билан қолган айрим ота (она)лар қонуннинг мазкур талабига кўп ҳам амал қилишмайди. Боласини кўриш ниятида бўлган ота (она)нинг истаги ва ҳуқуқига қаршилик кўрсатишга уринишади. Гўёки, ўзаро араз, адоват, норозилик аламини болалари орқали олади.

Бироқ қонунчилигимизда маз-

Ижтимоий тармоқларда ҳам бу масала жуда кўплаб муҳокама қилинади. Мисол учун, Ташкент шаҳрида қуриладиган осмонўпар бинолардан бирининг номи ҳам чет тилида – “Nest one”! Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилардан бирининг эътирози ўринли: “Хуллас, бунёдкори ўзбекими, унинг дастхати қурган биносиде аяққол кўриниши керак ва бу ўша қурувчининг ўзлигини йўқотмаганидан дарак беради. Дастхат, аввало, номларда намоён бўлади. Очиғини айтганда, расмий матбуотда ўзбек тилига бўлган эътиборсизлик анчагина юқори. Яна ҳам аниқроғи, бу борада давлат муассасалари етакчилик қилиб келмоқда. Аслида улар тилшуносларни жалб қилиб бўлса ҳам, ўзбек тилининг бўлигини халққа намоён этиш, янги сўз ва ибораларни ўзбекча талқинини жорий қилишда бош-қош бўлишлари керак”.

Аянчи ҳолатлардан яна бири – юртдошларимизда имло саводхонлигининг пастлиги. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ҳар биримиз мана шундай ҳа-толикларга қарши курашшимиз зарур. Зеро, она тили миллатимизнинг маънавий қийёфаси, миллий онг ва тафаккуримизнинг ифодаси ҳисобланади.

Ёқутхон ҚОДИРОВА,
Юнусобод туманидаги
274-мактаб ўқувчиси

лик қилиши ва тарбиясида ишти-роқ этишга ҳақлиги, шунингдек аввало, боланинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тарафлар ўртасида шаклланган бола тарбиясига оид муносабатга ҳуқуқий баҳо беради.

Зеро, фарзанд ота ва она учун бирдек ширин неъмат. Бирга яша-маслигини вақ қилиб боласининг дийдоридан қонунга зид равишда маҳрум қилишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Саида АБДУРАҲМОҶОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Миробод туманлараро
суду судьяси

БУТҮН ХАЛҚНИНГ ТИЛИ ҲАМ, МАДАНИЯТ-МАЪРИФАТИ ҲАМ, САЊАТ-АДАБИЁТИ ҲАМ БУТҮН БҮЛАДИ. Тўғри, яқин-гача яримта эдик. Танамиз шу ерда-ю, тафаккуримиз, тақдиримиз Кремль деган томонларда эди...

Ҳамма жабҳаларда кечаётган гўзал жараёнлар қаторида она тилимиз кун сайин, йил сайин тиниқлаша бориши керак. Бу тилни тиниқлаштириб, чўлу хаслардан, курмак-абаслардан тозалай бориш биргина тилшуносларнинг эмас, ҳаммамизнинг ишимиз, бурчимиз.

Одатда, кичик нуқсонлар йиғила-йиғила қурсурга, кўз илғамас иллатлар бора-бора жараҳатга, майда айблар тўплана-тўплана гуноҳи азимга айланади. Ўзи нима гап, дерсизлар? Гап ойнаи жаҳон билан радиода кўрсатилиб-айтилган, газета-журналларда ёзилган айрим сўз, айрим атома ва айрим ибораларнинг ноҳош, ноўрин ишлатиётгани, ноҳўя қўлланаётгани хусусида. Шевабозликнинг бола-лаб кетаётгани борасида.

Гапни кети-кўлами, борлиқ имкониятлари чексиз бўлган, ташвиқот-тарғиботимизнинг қон томири ҳисобланган, неча минглаб кишиларнинг минбарига, “ўқир китоблари”га айлана кетган республика телевидениеси – “сангори экрани”дан бошласам. Мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти, ҳар бир ғўшасида яшовчи турли касб-кор эгалари бу минбарга чиқиб олиб, ўз шева, ўз лаҳжаларида “кевотти-кетвотти”лаб, “келутти-кетутти”лаб, “келсан-а, кетсан-а”лаб, “борайди-келайди”лаб, “келажатир-кетажатир”лаб турсалар нима бўлади? Ойнаи жаҳонимиз Олой бозорига айланади-қўяди.

Оддий деҳқон, боғбон, қўйчи-бон, йилқичи, иши, чилангар, овчи мисоли суяклари меҳнатда қотиб, танглайлари ўзимиз пайдо бўлиб, ўзимиз қайта борар еримиз – тупроқ билан кўтарилган кишилар ўз шеваларида гапирса, бу сифат у кишиларга яраша тўшади. Талабали маълумотли шифокор, ё мударрис, ё бирор корхона раҳбари экранда “вотти-вотти”лаб ё “келагай-борагай”лаб сайраб турса, нима бўлади? Айб бўлади! Тилга, элга нисбатан ҳурматсизлик бўлади. Бефаҳм-бефаросатлик бўлади. Тилга эътибор – элга эътибор деб бекорга айтилган ашшу! Минг афсуски, “сангори экран”да гапирувчиларнинг кўпчилиги Тошкент шевасини ўзлаштириб олган кўринида.

Куз ойлари эди (24.IX.2001 йил). Тошкент телевидениесининг бир мухбири (журналист сингилларимиздан бири) Аграр университетининг Ўрта Чирчиқ туманидаги тажриба хўжалигида пахта тераётган талабалар даврасида суҳбат олиб борди: “Ўртангизда юз килодан ошириб пахта тераётган боти-ми? Шунча пахтани теришда қўлила неча марта чаноққа боради?” Саволни қаранг, саволни! Талабалар пахта терсинларми, қўлларининг неча марта чаноққа бориб-келишини санасинми?!

...“Тайёргарлик кўрвоппиза. Қизгин иш олиб борвоппиза... Жа оширвордийиз” (педагогика фанлари докторининг гапларидан). “Дадамла расомла. Ўргатар эдила. Катта-катта ишлага кўл урвоппан...” (рассом қизнинг гапидан). “Ишончийизи оқлашга ҳаракат кивоппиза...” (қап-катта раҳбарнинг гапи). “Ёш товукларни алоҳида, тухум берадиган она товукларни алоҳида парварिश кивоппиза...” (парандачилик фермаси раҳбарининг гапи). “Ҳаҳон афгор оммаси...” (“Сийёсат оламида” кўрсатуви олиб борувчи сийёсатдоннинг гапи). “Афгор” дегани – жароҳатланган, мажруҳ, хаста дегани. Энди юқоридаги “аф-

гор” сўзи ўрнига “жароҳатланган”ни қўйиб, сўнг маъносини қақиб кўринг. Бундай мисолларни зерикмай келтирар бўлсак борми? Китоб бўлади, китоби!

Энди ўзимизнинг соф ўзбекона ибораларимиз, атамаларимиз ўрнига ғализ, кўпол, ҳақоратомуз бирикмаларнинг айтилаётганига, ёзилаётганига эътибор берсангиз борми?! Бир ерда газета ёзилса, бир ерда жариди, бир ерда рўзнома, бир ерда учоқ ё тайёра ёзилса, бир ерда самолёт ёзилади. Ҳозир-гача биз газета-журналларда хизмат қилиб келаётган ҳамкасблари-

ҚОРИН ҚАЙҒУСИ ҚОЗОНГАЧА, ҚАДР ҚАЙҒУСИ ҚАБРГАЧА!

Айниқса, чорвачиликка бағишланган эшиттириш ёки мақолаларда ишлатилаётган: “Йирик шохли моллар”, “майда шохли моллар”, “она сигир”, “эркак қўй”, “она совлуқ”, “эчки боласи”, “бир ёки икки тўёқли моллар”, “ота бўри”, “йилқи подаси”, “от сути”, “отчилик”, “йирик ва майда моллар тўдаси”, “туя боласи”, “туя сути”, “итимиз туғди”, “ҳайвон бозори” сингари “уйнашдан бўлган” ибораларни бир бошидан санар бўлсангиз борми?

Халқимиз ҳеч қачон “мол бозори”ни “ҳайвон бозори” демаган. Демайти ҳам. Сабаби, қўй билан эчки одатда ҳайвон дейилмайди. Шу ўринда бир муддат тўхталариз, шекилли. Юқоридаги “йирик тўдаси”га қайта тўдаси”га эътибор берсангиз. Чорвачилик дунёсида бундай бирикманинг ўзи йўқ. Бизнингча, бу жумлада тўрт тўлик ҳақида гапирилаётир. Тўрт тўлик: а) қорамол, б) жонлик, в) йилқичилик ва г) туячилик.

Той, қулин, ғунон, дўнан, тўлан, бия, байталдан тортиб то арғумоқча бўлган йилқи турлари йилқичиликка кирди. Чўвир, ёби, от, айғирлар ҳам. От сути дейиш ҳам айб саналади. Бунинг ўрнига биргина сўз – қимиз дейилса бас. Қўй билан эчкининг борлиқ турлари – жонлик, Улоқ, чивич, серка, така, кўчқор, қўй, совлуқ, чори, панжи, шиш... Бўталоқ, тойлоқ, моя, лўкча, нор, булар – туячилик. Туя сути дейилмай, қимрон дейилса бас. Бузоқдан тортиб букагача – қора мол. Тана, новвос, сигир, соғин сигир... Йилқининг тўп-тўдаси – уюр. Ёбон, чўл, саҳрода юрган туя тўдаси – гала. Юзлаб қўй-қўзилар сурув деб айтилса бас... Тўрт тўликнинг ҳар бирининг ёшига, жинсига, юк кўтаришига, соғ-носогога қараб номларини айтар бўлсак борми, э-ҳ-ҳ-а!.. Паррандачилик ҳақида гап кетганда эркак товук, урғочи курка дейиш айб саналади. Эрқаги хўроз, урғочиси эса мокиён дейилса бўлган. Унингиз ҳам урғочи, чибич, ғунажин, мегажин, қанжик, мокиён, мочахар, мода, байтал сингари сўзларни ўринсиз ишлатиш одобсизлик саналади.

Ҳаммамиз ҳам осмондан тушмаганимиз, ердан ҳам чиқмаганимиз. Ота-онамиз сабаб дунёга келганмиз. Пайдо бўлганмиз. Бирда-бирда фалончи туғди ё Холбиби бўғоз деган сўзларни эшитиб қоламиз

ё бирор бир ерда ўқиб қоламиз. Туғди, бўғоз! Қандай айб! Қанчалик ҳақоратомуз. Нечоғлик кўпол. Бўғоз сўзини уялмасдан айтиш ўрнига бўйида бор, оғировақли, иккиқат, суяғида бор, юкли деб айтиш қанчалик пардали. “Туғди” дейиш кишининг шахсиятига, нафсониятига тағадиган гап. Унинг ўрнига кўзи ёриди, омон-эсон қутулиб олди, дейиш одобдан бўлади. Унингиз ҳам қиз бўлса, минг қўйли бўлди, ўғил бўлса, от боғлар, деган иборалар йўқ эмас.

Одатда, бўғоз ё қисир ёхуд туғди сўзлари молга нисбатан ишлатилади. Ҳатто қўйни кўзилади, бияни кулунлади, итни кучуқлади ёки болалади дейилади. Товуқни туғди деб бўларми экан? Қайси бир ёзувчининг ҳикоясида: “Соти-болдининг сигири безовта бўлар, ётиб-турар, ўзини қўйгани жой топмас – пана бир жой қидирар эди”. Молнинг туғиш олдидаги бундай ҳолатини чорвадорлар биргина сўз билан ифода этади – бурчалади. Бу кетишда айғиримиз “ой кўриб”, товугимиз “бош қоронғи” бўлиб юрибди дейишгача бориб етамиз, шекилли!

Кўча-куйларда, давраларда яна шундай иборалар кулоққа чалиниб қоларди: “Бу киши менинг хотиним бўлади. Бу киши менинг эрим бўлади”. Бизда азал-азалдан эр-хотин бир-бирини қандай қақира, қандай аташлари ҳам одоб санала келинган. Аёл киши – “бизнинг хўжайин”, “бизнинг бой”, “дадалари” деса, эр кишилар – “бизнинг хоним”, “бизнинг оила”, “бизнинг бека” дейди. Бир-бирларини қақира, чорлар бўлса, эр аёлини – “каёқдасан?” ё бирор қизининг исми билан – “Ойқизнинг онаси” ёки онаси, ойиси; аёл киши хўжасини бирор ўғлининг исми билан – “Алишернинг дадаси”, дейди (буни оилавий исм – кўна дейдилар).

Томларни қор босиб, эрув бошлангандан сўнг томинг бўғот-зийлариди беш панжа шаклида пайдо бўладиган музларни чумак дейдилар. Бу ҳақда болалар қўшиғи ҳам бор: *Баш бармоқ, Кўрас керак* (кўрсаткич бармоқ), *Ўрта терак, Болали бўйрак* (сук, узук тақадиган бармоқ), *Чулдуру чумак* (чинлақ). Ёки: *Муз муздан тайғон экан, Аёғи синғон экан, Том зийдида чумаклар Йиғлаш бир турғон экан. Ёғиз қолгон чумакни Худойим урғон экан...*

Тўғри, яқин-гача яримта эдик. Танамиз шу ерда-ю, тафаккуримиз, тақдиримиз Кремль деган томонларда эди... АВВАЛЛАРИ ЭРКМИЗ ҲАМ, БҮРКИМИЗ ҲАМ ЎЗ ИНОН-ИХТИЁРИМИЗДА ЭМАС ДЕБ ДОД СОЛАДИК. ВА ДОД ДЕЙИШДАН БОШҚА ЧОРАМИЗ ҲАМ ЙҮҚ ЭДИ. ДИНИМИЗДАН, ТИЛИМИЗДАН САЛКАМ АЙРИЛИБ ҚОЛАЁЗГАНИМИЗ ҲАМ РОСТ. ЭНДИ-ЧИ? ЭНДИ ЎЗ ТУҒИ, ЎЗ ТУҒРОСИГА, ЎЗ ТАХТ-ТОЖИГА, ПОЙТАХТИГА, ЎЗ РАҲНАМОСИГА ЭГА БҮЛГАН ХАЛҚМИЗ. ҚОЗОНИМИЗ ҲАМ, ХИРМОНИМИЗ ҲАМ, ДАСТУРХОНИМИЗ ҲАМ ЎРТАДА, ДЕБ АЙТСАК ЯРАШАДИ. ЭНДИ ДОД ДЕГАН КИШИНING ҚҮЛИГА КИШАН, ОЁФИГА ҒУЛУ СОЛИБ ДОДҲОГА ТОПШИРМОҚ КЕРАК!

Тилдан айрилганинг – элдан айрилганинг, Тилдан тонганинг – элдан тонганинг.

Шарқ халқлари ҳикмати

Чумак сўзи эса ҳали-ҳамон сумалак тарзида ишлатилмоқда. Ҳатто бир шоирнинг “Сумалак” сарлавлари шеъри ҳам бор...

Баҳор пайтларида тоғлардан кўчадиган қорни терма дейдилар. Ваҳоланки, ҳамма ерда кўчки тарзида ёзилмоқда. Қор шу қадар шиддат билан энишга қараб кетадики, йўл-йўлакай дуч келган доврахтларни, тошларни, қояларни териб кетади. Шунинг учун ҳам терма бошланди, ҳозир авжи терма пайти, термага йўлиққан тек қолмас”.

Дарё, сойлардан пийёда, олиқларнинг ўтадиган жойларини кечик эмас, кечув дейдилар. Тоғларнинг кун тушмас – шимол томони терскай, кун бўйи кун тушар – жануб томони беткай дейилади. Бизда эса тоғолди, тоғ орқаси деб ёзиб келинмоқда.

Тазкира ҳамда хотираларда шундай жумла, шундай гапларга

тортишмаган эди, кимлар билан айтишмаган эди. Биз эса қанча сўзлар ҳақида баҳс юритдик.

Ўзбекистон халқ шоири, Гулистон давлат университетининг профессори сифатида мен ҳам, қўй-э, менга нима деб чиллахонага кириб кетиб, кўзга кўзойнакни ёпиштириб, тўрткўз бўлиб олиб, бўлар-бўлмас жүкёна шифирларни ёзиб, ё илмий ишлар билан шуғулланиб (садағаси кетай ўша шифирларинг билан па-лағда илмий ишларингни, дейдиган одам бўлса кошки), кўкрагимни захга бериб ётсам бўлар эди. Гап ана шу менга нима-я дейишди! Бу кетишда тилимизнинг аҳволи нима кечади деб мен ўйламасам, сиз қайғурмангиз, у эса қилар ишни бир чеккага йиғиштириб қўйиб тижоратчиликка уриб кетса (хижолат бўлмасдан), алақоқбат нима бўлади?! Ҳали юқорида айтиб ўтилгандай тилимиз от бозорига айланади-қўяди...

...Қани ўша Абдулла Қодирий,

MAUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI. Бош муҳаррир Норқобил ЖАЛИЛОВ. Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй. Электрон почта: xxi_asr@mail.ru. ISSN 2181-497X. НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406 123456.